“ҚУЛОҚ”ҚА ТОРТИШ ВА ҚАТАҒОН ҚИЛИШ ФОЖИАЛАРИГА ДОИР
(Қашқадарё вилояти мисолида)

Р.Т.Шамсутдинов, Э.Холмирзаев

Мақола 1930-йилларда Қашқадарё вилояти бўйича “қулоқ” қилиш ва қатағон сиёсатининг фожиалари ҳақидаги янги маълумотларнинг қисқача таҳлилига бағишланган.

Калит сўзлар: *ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги, сиёсий маҳбуслар уйи, реаблитация, Дмитров лагери, Бутово майдони.*

Статья посвящена краткому анализу новых сведений о трагедиях раскулаченных и репрессированных жителей Кашкадарьинской области в 1930-годах.

Ключевые слова: *Полномочное представительство ОГПУ в Средней Азии, дом политический заключенных, реаблитация, Дмитровский лагерь, Бутовский полигон.*

The article discusses the problems of shortest analysis of tragedies and exiles of the local population in Qashqadaryo region.

Key words*: representation ofpolitical government in Central Asia, the house of political prisoners, rehabilitation, Dimitrov camp, Bootov camp.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 20-йиллар охири ва 30-йилларда коллективлаштириш жараёнида қишлоқ аҳолисини, айниқса, деҳқонларни “қулоқ”қа тортиш, қатағон ва сургун қилиш, жисмонан йўқ этиш, мудҳиш 1937-1938 йиллардаги “катта террор”, “қулоқлар операцияси” даги фожеалар ҳақида кўплаб илмий мақолалар, монографик тадқиқотлар, диссертациялар, илмий оммабоп китоблар, архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламлари юзага келди.

Ўша асарлар ва улардаги ҳужжатлар, материаллар, суратлар Тошкентдаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейидан жой олган. Ушбу мавзу энди республикамизнинг вилоятлари мисолида ҳам ўрганилмоқда. Бу борада таниқли ёзувчи, шоир, адабиётшунос, публицист, заҳматкаш олим Поён Равшан ибрат кўрсатди. Унинг уч жилдлик китоби нашрдан чиқди [1]. Бу заҳматкаш тадқиқотчи Қашқадарё тарихи бўйича йирик мутахассис, жуда катта кўламдаги ишни юзага чиқарди. Мазкур 3 жилдлик асарда ҳозиргача махфийлик тамғаси остида сақланиб келаётган архив ҳужжатлари, материаллари асосида 1920-1930 йилларда советлар томонидан олиб борилган мудҳиш қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари кенг кўламда ёритилган. Асарни Қашқадарё воҳасида совет режими амалга оширган қатағон сиёсати ва амалиётининг трилогияси деб айтишга асос бор. Асар алоҳида махсус тақризга лойиқдир. Шунда унинг барча ижобий жиҳатлари, илмий, амалий аҳамияти, айрим камчиликлари ҳақида рўй-рост, холисона фикрлар айтилишига шак-шубҳа йўқ.

Бизнингча, трилогияни яратишда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивида сақланаётган ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги учлик баённомаларидан фойдаланилганда, мавзу тўла очиб берилган бўлур эди. Балки, бунинг имконияти бўлмагандир. Шу боис Қашқадарё мисолида “Қулоқ”қа тортиш ва 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон жараёнини ёритишда узилиш, кемтик, бўшлиқ кўзга ташланмоқда.

Ушбу мақолада 3 жилдлик китобда ўз аксини топмаган қашқадарёлик “қулоқ” ва қатағон қилинганлар ҳақидаги айрим маълумотларни келтиришни жоиз билдик. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик архивида сақланмоқда.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг 1933 йил 16 мартдаги йиғилишида (аъзолари – Райский, Амелин, Загвоздин, Вальтер, Арондт) 64/255-сонли иш бўйича **Сами Жамилов** - 29 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, хизматчи, ВКП(б) аъзоси; **Шукур Неъматов** – 45 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар, 10 йил муддат билан концлагерга ҳукм қилинганлар. Қамоқ муддати Жамилов учун 1932 йил 4 февралдан, Неъматов учун 1931 йил 25 мартдан ҳисобланган. Беҳбудий меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда турган **Баҳром Жалилов** – 43 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар, ҳақсиз; **Ра-**

Р.Т.Шамсутдинов *– АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори;*
Э.Холмирзаев *– шу кафедра ўқитувчиси.*

жаб Шарипов – 48 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар; **Муқим Халилов** – 38 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар; **Зоир Қодиров** – 32 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар, ҳақсиз; **Ёдгор Камолов** – 35 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар, ҳақсиз; **Тўла Жўраев** - 37 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар, ҳақсиз; **Патто Каримов** – 34 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар; **Муҳаммадқул Аҳмедов** – 22 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар; **Шоқулбой Нурмуҳаммедов** - 65 ёшда, ўзбек, Беҳбудий шаҳридан, савдогар - ЎзССР Жиноят Кодексининг 66 ва 14-78-моддалари билан айбланиб, 5 йилдан қамоқ лагерига ҳукм қилинган, қамоқ жазоси 1931 йил 25 мартдан ҳисобланган.

Худойберди Полвон Мирзаев – 32 ёшда, ўзбек, Беҳбудий район Қуйдум қишлоғидан, **Тулла Насриддин Абдуқаҳҳоров** - 36 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Жинжаккана қишлоғидан отувга ҳукм қилинганлар.

Мулласултон Умаров – 46 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Жинжаккана қишлоғидан, 10 йил қамоқ лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1932 йил 8 майдан ҳисобланган. Учликнинг ўша кунги йиғилишида 7 махбус 5 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган:

1. **Ҳамдам Отақулов** – 34 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Қуйдум қишлоғидан, ижтимоий келиб чиқиши ўртаҳол, жиноятчи.

2. **Ҳалим Туляев** - 30 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Қуйдум қишлоғидан, савдогар.

3. **Ҳақберди Мирзаев –** 32 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Қуйдум қишлоғидан, деҳқон, ўртаҳол.

4. **Муҳаммад Исматуллаев** – 19 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Шайхўжа қишлоғидан, деҳқон, камбағал.

5. **Жаббор Муллақодиров** – 41 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Мирмирон қишлоғидан, деҳқон, ўртаҳол, савдогар.

6. **Абдуваҳоб Мулланодиров –** 50 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Мирмирон қишлоғидан, деҳқон, ўртаҳол, савдогар.

7. **Юсуп Каримқулов** – 22 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Жинжаккана қишлоғидан, деҳқон, ўртаҳол.

Аввалида ОГПУ вилоят бўлими орқали Чувашистонга 5 йил муддатга сургун қилиш белгиланган **Маматмурод Муқимов** (56 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Гуйдун қишлоғидан, ўртаҳол, судхўр) сургун ўрнига 5 йил концлагерга ҳукм қилинган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик (Залин, Амелин, Петросян, Вальтер, Арондт)нинг 1933 йил 4 апрелдаги йиғилишида Яккабоғ район милицияси сиёсий маҳбуслар уйида қамоқда турган **Жума Қулбошев** (ўзбек, 60 ёшда, Қайрағоч қишлоғидан, амир мулозимларидан), Беҳбудий меҳнат тузатув бошқармасида қамоқда турган **Ҳотам Чориев** (ўзбек, 50 ёшда, Уйрат қишлоғидан, қулоқ), **Ирис Суяров** (ўзбек, 60 ёшда, Қозоқ қишлоғидан), **Хамат Қосимов** (ўзбек, 50 ёшда, Наукат қишлоғидан, қулоқ)лар белгиланган 12 ҳудудда яшашдан маҳрум этилиб, 3 йил муддат билан сургун килишга қарор қилинган.

Холмуҳаммад Кенжаев - ўзбек, 34 ёшда, Чилимбой қишлоғидан, қулоқ; **Жаббор Қораев** - 45 ёшда, ўзбек, Зарқуноқ қишлоғидан, қулоқ; **Умар Маллаев** - 31 ёшда, ўзбек, Зарқуноқ қишлоғидан, қулоқ – 5 йил қамоқ жазосига концлагерга ҳукм қилинганлар. Шундай жазога **Раҳматхон Неъматов** ҳам – 36 ёшда, ўзбек, Шаҳрисабз райони Неъмат қишлоғидан, – ҳукм қилинган.

Жўраев Усмонбек - 55 ёшда, ўзбек, Беҳбудий райони Наукат қишлоғидан, қулоқ – 1933 йил 1 январдан 3 йил муддат билан белгилаб қўйилган 12 ҳудудда ва Қозоғистонда яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳукм этилган. Ҳудди шундай жазо 52 ёшли, ўзбек, Беҳбудий райони Қозоқ қишлоғидан **Қул Бойбулов**га ҳамда 62 ёшли, ўзбек, Шаҳрисабз райони Неъмат қишлоғидан имом **Ҳаким Шукуров**га ҳам берилган.

ОГПУнинг Беҳбудий оператив сектори тақдим этган 248/670-сонли иш бўйича ЎзССР Жиноят Кодексининг 14, 66, 80-моддалари билан учлик **Эшмуҳаммад Мусаев** (50 ёшда, ўзбек), **Бойсари Жамғуров** (35 ёшда, ўзбек), **Абдураҳмон Муродов** (60 ёшда, ўзбек), **Тўра Кенжа Муродов**лар ишини ЎзССР Олий Судида кўриб чиқишга тавсия этган.

76/2259-сонли иш бўйича учлик **Пармон Йўлдошев**ни – 42 ёшда, ўзбек, Чироқчи райони Тўқай қишлоғидан, қулоқ, – ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси билан айблаб, 5 йил муддатга концлагерга ҳукм этган.

Зиёдулла Каримов - 40 ёшда, тожик, Шаҳрисабз райони Жауз қишлоғидан, ҳақсиз – 3 йил концлагерга, **Ҳақназар Ражабов** – 32 ёшда, ўзбек, Шаҳрисабз райони Дўнчи қишлоғидан, синфий қиёфасини йўқотган унсур сифатида 5 йил концлагерга ҳукм этилган.

Абдураҳмон Бойматов - 35 ёшда, ўзбек, Яккабоғ райони Қорабоғот қишлоқ совети Шўрчи қишлоғидан, амир мулозимининг ўғли; **Хушвақт Қулбошев -** 41 ёшда, ўзбек, Яккабоғ райони Қайрағоч қишлоғидан, қулоқ, савдогар – ЎзССР ЖК 66-моддаси билан айблов қўйилиб, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

232/666-сонли иш бўйича **Омонилло Жалолов** – Шаҳрисабз райони, Мучин қишлоғидан, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз, – 10 йил муддатга концлагерга

ҳукм қилинган. Шу иш бўйича Шаҳрисабз районидан **Ҳамидхон Бурхонов** – 32 ёшда, ўзбек, Кунчиқар (Кунжигар) қишлоғидан, қулоқ, ҳақсиз; **Соли Ражабов** – 36 ёшда, ўзбек, Кунчиқар қишлоғидан, қулоқ, ҳақсиз; **Саидакбар Мироқов** – 29 ёшда, Уйчилик қишлоғидан; **Акрам Мустафоқулов** – 28 ёшда, ўзбек, Кунчиқар қишлоғидан, қулоқ, ҳақсиз; **Раҳмат Ғафуров** – 35 ёшда, ўзбек, Шаҳрисабздан, савдогар, ҳақсиз; **Ҳуррам Хидиров** – 43 ёшда, ўзбек, Қорасув қишлоғидан, руҳоний, ҳақсиз; **Авлиёхон Қиличев** – 35 ёшда, ўзбек, Шаҳрисабздан, амир мулозимларидан – 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар. **Эргаш Ражабов –** 36 ёшда, ўзбек, Шаҳрисабз райони Мучин қишлоғидан, савдогар, ҳақсиз; **Ислом Йўлдошев** – 68 ёшда, ўзбек, руҳоний, ҳақсиз; **Худойберди Авлиёқулов –** 36 ёшда, ўзбек, Шаҳрисабз райони Қорасув қишлоғидан, савдогар, ҳақсиз – 3 йил концлагерь қамоғига ҳукм қилинганлар.

1937-1938 йилларда собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам мудҳиш "катта террор", "қулоқлар операцияси" ўтказилди. Минглаб, ўн минглаб ўзбекистонликлар қатағон тиғига учрадилар. Улар қаторида қашқадарёликлар ҳам талайгина эди. Ана шу қатағон қурбонларидан айримлари ҳақида маълумот келтирамиз.

ЎзССР НКВД ҳузуридаги "учлик"нинг 1937 йил 3 ноябрдаги йиғилишида 5880-сонли иш бўйича Косон райони, Қарлуқ қишлоғидан 4 маҳбус: **Камол Юсупов**, **Қаландар Қўзиев**, **Жўра Суюнов**, **Махсум Эсонов**; Ғузор райони Хонтушти қишлоғидан **Раҳмон Останов**; Яккабоғ райони Чўмич қишлоғидан **Поён Абдураҳимов**; Шаҳрисабз райони Синабоғ қишлоғидан **Эргаш Бобоев**; Сукор қишлоғидан **Ҳазраткул Муқимов**; Ғузор райони Донг қишлоғидан **Хошмурод Чоршанбиев**; Чироқчи райони Жартепа қишлоғидан **Жавли Эшқобилов**, Қорақия қишлоғидан **Баҳри Ёрматов**; Китоб райони Китоб қишлоғидан **Жаббор Хидиров**лар отувга ҳукм қилинганлар.

5868-сонли иш бўйича Қашқадарё округининг Китоб, Шаҳрисабз, Кармана, Яккабоғ, Ғузор районларидан 8 нафар маҳбус отувга, 5 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинганлар.

5843-сонли иш бўйича Китоб райони Обиканда қишлоғидан **Ҳайдар Жумаев**, **Али Ҳасанов**, **Илмитдин Рафитдинов**; Биканда қишлоғидан **Қўшвоҳид Дўстов**; Қорахона қишлоғидан **Қосим Ниёзов**лар отувга ҳукм этилган. 5805-сонли иш бўйича эса Беҳбудий райони Орол қишлоғидан **Бўри Хўжаев**, **Равшан Эрназаров**, **Суннат Норов**лар ҳам отувга ҳукм қилинганлар.

7096-сонли иш бўйича Косон райони Тенибек қишлоғидан **Мирзо Қўлдошев**, **Мардон Аҳмедов**, 7095-иш бўйича Алчин қишлоғидан **Ҳайдар Баратов**, **Бўрон Эрдонаев**лар ҳам отувга ҳукм қилинганлар [2/404-409].

"Учлик"нинг 1937 йил 17 ноябрдаги йиғилишида Косон райони Чориетим қишлоғидан **Жуманазар Холиниёзов**, Пўлат қишлоғидан **Ғани Қулматов**; Деҳқонобод райони Ҳожи Иброҳим Беги қишлоғидан **Эрниёз Саидов**, Наушер қишлоғидан **Имом Жумаев**; Китоб райони Исперас қишлоғидан **Имом Назаров**; Бешкент райони Тўрақул қишлоғидан **Қосим Қаршиев**; Китоб райони Шут қишлоғидан **Абдураҳмон Қўзиев**; Яккабоғ райони Турян қишлоғидан **Файзулла Абдуллаев** ва бошқа яна бир қанча қашқадарёликлар 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилганлар.

Косон райони Оқжангил қишлоғидан 1899 йил туғилган, ўзбек, машғулоти ва яшаш жойи аниқ эмас, саводсиз **Араббой Хўжақуловни** СССР НКВДси Москва области бошқармаси ҳузуридаги "учлик" 1938 йил 25 февралда отувга ҳукм қилган, ҳукм Москвадаги Бутово полигонида ижро этилган. 1989 йил июнида реаблитация қилинган.

1937 йил декабрида ЎзССР НКВД ҳузуридаги "учлик" Қашқадарё округидан 201 киши устидан ҳукм чиқарган, шундан 8 нафари отувга, 149 нафари 10 йил қамоқ жазосига, 35 киши 8 йил қамоқ жазосига, 9 нафари қамоқдан озод қилишга ҳукм қилинган [4.564].

"Учлик"нинг 1937 йил 9 декабрдаги йиғилишида Косон районидан 19 киши, Шаҳрисабздан 31 киши, Яккабоғ районидан 16 киши, Чироқчи районидан 6 киши қатағон қилинган. Шунингдек, Ғузор районидан, Беҳбудий шаҳридан, Бешкент, Деҳқонобод районларидан ҳам қатағон қилинганлар ва улар ҳақидаги маълумотлар келтирилган [4.436-467].

6097-сонли иш бўйича айбланган **Эрназар Ҳакимов** ҳақидаги маълумотда унинг 1865 йили Косон райони Майманак қишлоғида туғилгани, қулоққа тортилгани, 3 йил қамоққа ҳукм этилгани, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулотга эга бўлмагани, бир гуруҳ қулоқлар билан совет ҳокимиятига қарши доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб боргани, Афғонистондаги ҳаётни мақтаганликда айбланиб, ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилингани, жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган қайд этилган.

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 14 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган Сайёр сессияси йиғилишида 1901 йил Бешкент райони Қамаши қишлоғида чорикор оиласида туғилган, миллати араб, маълумоти қуйи, 1931 йилдан партия аъзоси, ўзбек, тожик, туркман тилларини бил-

ган **Усмон Болтаев** отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни тунда ижро этилган.

У.Болтаев 1910 йилдан 1920 йилга қадар Қамаши қишлоғидаги бойларга ёлланиб ишлаган, подачилик қилган, 1920-1926 йилларда ўз уйида деҳқончилик билан шуғулланган. 1926-1928 йилларда Қамаши қишлоқ советида котиб, 1928-1932 йилларда Қамаши қишлоқ совети раиси бўлиб хизмат қилган [5.220-221].

Шаҳрисабз райони Чорипор қишлоғидан **Файзи Абдуллаев** – 1899 йили туғилган, деҳқон, қулоқ, чаласавод, колхоз раиси, 1935 йилда 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Москва ёнидаги Дмитров лагерига этап қилинган, Москва-Волга канали қурилишида маҳбус сифатида меҳнат қилган. Шу лагердаги учлик томонидан 1938 йил 5 июнда отувга ҳукм қилинган, 20 июнда Бутово майдонида отилган. 1990 йил 5 февралда реабилитация қилинган.

Беҳбудий райони Файзиобод қишлоғида 1903 йили туғилган, ўзбек, қулоқ, саводсиз **Ҳазратқул Дилев** ҳам "қулоқ" сифатида 1934 йилда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Дмитров лагерига этап қилинган. Шу жойда 1938 йил 28 мартда ҳибсга олинган. 1938 йил 23 июнда отувга ҳукм қилиниб, Бутово майдонида отилган.

Бундай мудҳиш фожиаларнинг асосий ва бош сабабчиси большевиклар бош-қош бўлган совет режими эканига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Тарихнинг ана шу аччиқ саҳифаларини билишимиз, англашимиз лозим. Шунда юртимиздаги тинчлик, осойишталик, улкан бунёдкорликнинг қадр-қимматига етамиз.

Адабиётлар:

1. Равшанов П. Қизил салтанат исканжасида. Тажовуз (Ҳужжатлардаги тарих). 1 жилд; Истибдод (Ҳужжатлардаги тарих), II жилд; Қатағон (Ҳужжатлардаги тарих), III жилд.- Т.: Шарқ, 2011

2. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август - 5 ноябрь). Иккинчи китоб.- Т.: Шарқ, 2007.

3. Репрессия. 1937-1938 годы. Выпуск 1.- Т.: Шарқ, 2005

4. Репрессия. 1937-1938 г. Документы и материалы. Выпуск. 1937 год, Декабрь.- Т.: Шарқ, 2008

5. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари.- Т.: Шарқ, 2012.

2015 йил 19 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.н. М.Алиҳожиев)